

AGROBIZNES, FAN VA TEKNOLOGIYALAR

**АГРОБИЗНЕС, НАУКА
И ТЕХНОЛОГИИ**

**AGRIBUSINESS,
SCIENCE AND
TECHNOLOGY**



**ILMIY - AMALIY
ELEKTRON JURNAL**

№ 083688



ISSN: 3060-5245

TOSHKENT - 2026

M U N D A R I J A

IQTISODIYOT FANLARI

SABIROV XASAN NUSRATOVICH, YUNUSOV BEKZOD XAYRUBLOYEVICH O'zbekiston bank tizimida yashil kreditlashni rivojlantirishning institutsional asoslari.....	13
SAPAYEV MAXSUDBEK KARIMOVICH Davlat budjeti ijrosini ta'minlashda soliq nazoratini amalga oshirish yo'nalishlari.....	20
ALLAYAROVA MASTURA KUDRATULLAYEVNA O'zbekiston Respublikasida jamg'arib boriladigan pensiya ta'minoti tizimining shakllanish asoslari va rivojlanish istiqbollari.....	26
АКАБИРОВА ДИЛОРО НИГМАТОВНА, АЗИМБОЕВА ШАХОДАТ ХАМДАМ ҚИЗИ Экономическая оценка внедрения агротехнологий (Agtech) в сельское хозяйство Республики Узбекистан (на примере Хорезмской области).....	34
ASHUROVA MAFTUNA ORTIQ QIZI Xizmatlar sohasining tarmoqlar bo'yicha tarkibiy tuzilishini shakllantirish jarayonlarini davlat tomonidan tartibga solish va qo'llab-quvvatlash amaliyoti.....	39
XO'JAMURODOVA ODINAXON KOMILJON QIZI Xususiy sog'liqni saqlash tizimida boshqaruvni takomillashtirish yo'nalishlari.....	46
ULUG'BEKOV SARDORBEK ULUG'BEKOVICH Inson kapitali va kreativ qatlam kategoriyalarining konseptual asoslari.....	54
SAYITQULOV JAHONGIR ILHOMOVICH Raqamli bank xizmatlari orqali moliyaviy samaradorlikni oshirishga doir xorijiy tajribalar tahlili.....	62
ASHUROVA MAFTUNA ORTIQ QIZI Xizmatlar sohasida investitsion resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish xorij tajribasi va uni mamlakatimizda qo'llash masalalari.....	69
MULLAYEVA MEXRANGIZ AXTAM QIZI Samarqand viloyatida xizmat ko'rsatish korxonalari faoliyati samaradorligini oshirish omillari va rivojlanish istiqbollari.....	75
ISMOILOVA NIGORAXON MAHMUDJON QIZI, IBROXIMOV MUHAMMADSODIQ XOKIM O'G'LI O'zbekiston Respublikasi yalpi ichki mahsulotining 2021–2025 yillardagi dinamikasi: statistik tahlil va iqtisodiy o'sish tendensiyalari.....	83
BARATOV SAMARIDDIN ABDUKAHAROVICH Inson kapitali rivojlanishini baholashga ta'siri va uslubiy yondashuvlar bo'yicha ko'rsatkichlari.....	93

SHODMONQULOV KAMOLIDDIN MURODILLAYEVICH

Kichik sanoat zonalarini rivojlantirish orqali hududiy eksport salohiyatini oshirish yo'llari.....100

XOLMIRZAYEV ULUG'BEK ABDULAZIZOVICH

Davlat-xususiy sheriklik modellari, shakllari va mexanizmlari tasnifi.....108

JABBAROV NURBEK ATANAZAROVICH

Sanoat sohasida energiya resurslaridan foydalanishda kvantil regressiya (quantile regression) modelini qo'llash.....124

SULTONOV SHODIYOR ABDUHALILOVICH

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ijtimoiy ahamiyati.....131

SHODMONQULOV KAMOLIDDIN MURODILLAYEVICH, SHOMURODOVA MADINA BAHROM QIZI

Tovar sotishda marketing faoliyatining nazariy-uslubiy asoslari.....140

YAKUBOV SANJARBEK FOZILBEKOVICH

Lalmi yerlarda indeksli sug'urta tizimini joriy etishning nazariy-ilmiy asoslari.....149

QO'ZIBOYEV BEHZOD HAMIDOVICH

O'zbekistonda yashil iqtisodiyotga o'tishning hozirgi holati va istiqbollari.....157

SULTONOV SHODIYOR ABDUHALILOVICH

Xizmat ko'rsatish sohasida innovatsion yechimlar va kichik biznesning raqobatbardoshligi.....166

ERGASHEV OLLOYOR FURQAT O'G'LI

Ichki auditning institutsional mohiyati va uning korporativ boshqaruv tizimidagi o'rni.....175

TAG'OYEV FERUZ YORQULOVICH

Hududlarda sanoat korxonalari faoliyatini ifodalovchi statistik ko'rsatkichlar tizimi va tavsifi.....187

DO'SIMOV SHOHRUH SHAMURATOVICH

Mintaqa iqtisodiy rivojlanishiga ta'sir qiluvchi omillar tahlili (Xorazm viloyati misolida).....196

RAHIMBOYEV MUXTORBEK IKROM O'G'LI

Qoraqalpog'iston Respublikasida aholi bandligi va daromadlari dinamikasi.....203

XAMIDJONOV ABDULAZIZ XASANOVICH, UMARALIYEVA BAXTILAXON RAXMONALI-QIZI

Interaktiv marketingning mohiyati va o'ziga xos xususiyatlari.....211

BEKJANOV DILMURAD YO'LDASHOVICH

Qishloq xo'jaligi oziq-ovqat ta'minot zanjirini optimal tartibga solishning metodologik asoslari.....219

ABDULLAYEV ASLIDDIN NABI O'G'LI

Mamlakatning iqtisodiy rivojlanishida qurilish sanoati ahamiyati.....226

AXMEDOV NU'MONJON MUHAMMADUMAROVICH

Soliq nazorati tushunchasi va uning iqtisodiy mohiyati.....234

JO'RAYEV FARHOD MAMADIYOVICH, PIRMATOVA DILNOZA ORTIQBOYEVNA

Mamlakatimizda gilos yetishtirish va eksportni rivojlantirishning strategik jihatlari.....240

YUSUPDJANOVA NARGIZA UTKIROVNA

Xususiy uy-joy fondidan foydalanish va uni boshqarishning me'yoriy-huquqiy asoslari.....245

AXMEDOVA NILUFAR SHUXRATOVNA

Kichik va yirik biznes subyektlari integratsiyasi samaradorligini oshirishning ilg'or xorij tajribalari va ulardan foydalanish istiqbollari.....254

SAYITBAYEV SHERMIRZA DATKAMIRZAEVICH

O'zbekiston Respublikasi moliya tizimining institutsional asoslari va rivojlanish tendensiyalari.....265

БЕКЧАНОВ ДАВРОН МАШАРИПОВИЧ

Худудларни иқтисодий ривожлантиришда ижтимоий капиталнинг ўрни: социологик ёндашув.....274

RAJABOV ALIBEK XUSHNUDBEKOVICH

Innovatsion iqtisodiyot sharoitida ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish tendensiyalarini boshqarishdagi zamonaviy yondashuvlar.....283

AXMEDOVA NILUFAR SHUHRATOVNA, RISBEKOVA DILFUZAXON JALOLIDIN QIZI

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishda davlatning tartibga solish mexanizmlari va hududiy farqlar: O'zbekiston misolida.....290

XIDIROV ALIMARDON DAGAROVICH

Hududlarda tog'turizmini rivojlantirishda investitsiyalarning roli va undan samarali foydalanish muammolari.....296

SHODIYEV MURODJON BAKIROVICH

Moliyaviy hisobotni taqdim etish va hisob siyosatini shakllantirishning nazariy-huquqiy asoslari (1-sonli BHMS asosida).....308

TURSUNOVA NAZOKAT TOLIBJONOVNA

Hududiy innovatsion faollikni oshirishning konseptual asoslari va uning iqtisodiy o'sishga ta'siri (Buxoro viloyati misolida).....316

RAXMANOV MUXAMMADELDOR

Risklarni boshqarishning konseptual asoslari.....323

IKROMOV ELYOR IBODULLOYEVICH

Hududlarda transport xizmatlari infratuzilmasini rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari.....330

TURSUNOVA NAZOKAT TOLIBJONOVNA

Hududiy innovatsion tizimlar samaradorligini oshirish: global tajriba va milliy imkoniyatlar tahlili.....337

YUSUPOV ABBOSXON ALIYEVICH

Kichik biznes subyektlari faoliyatida inson resurslaridan foydalanish va kadrlar boshqaruvi mexanizmlari tahlili.....348

MUROTOSIMOV SHOXRUX ABDISALIMOVICH

Qurilish korxonalarida korporativ ijtimoiy boshqaruvning nazariy modellari, asosiy prinsiplari va boshqaruv instrumentlari.....357

ТОПИЛДИЕВ СОХИБЖОН РАХИМЖАНОВИЧ

Ўзбекистон иқтисодиётида ИТ-парклар ва сунъий интеллект орқали ривожлантириш йўллари.....368

SOATOV YUSUF XO'JAYOR O'G'LI

Turkiy davlatlar o'rtasida turizm sohasini rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari.....377

DJURAYEVA IRODA BAHROM QIZI

Sun'iy intellekt asosida moliyaviy firibgarlikni aniqlash tendensiyalari.....383

BABAXOLOV SHERZOD BAXTIYOROVICH

Iqlimga mos qishloq xo'jaligi innovatsiyalarini qabul qilishda institutsional to'siqlar: Ў'zbekiston qishloq xo'jaligi misolida.....390

ДИНАРА ТАШЕВНА ГАФАРОВА

Влияние структурных реформ на устойчивость экономического роста Узбекистана.....398

NARMETOVA DILAFRUZ AZAMATOVNA

Mintaqaviy rivojlanishda iqtisodiy salohiyatdan foydalanish va raqobatbardoshlikni ta'minlashning nazariy asoslari (Xorazm viloyati misolida).....405

TOSHOV MIRZABEK HAKIMOVICH

Buxoro viloyatida sanoat tarmoqlarini takomillashtirish va diversifikatsiya qilish masalalari.....413

RAXMONQULOVA NAFISA OLIMJON QIZI

Hududlar iqtisodiyotining tarkibiy transformatsiyasi: baholash usullari va ko'rsatkichlari.....420

ISMATULLAYEV JASUR ANVAROVICH

Mintaqalarni barqaror rivojlantirishda investitsion strategiyani shakllantirishning o'ziga xos jihatlari.....427

BOZOROVA MADINA RAXMAT QIZI

Ta'lim xizmatlari bozorini shakllantirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi....434

INOBATOV ABROR BOSHLAROVICH

Tijorat banklarida korporativ boshqaruv tizimini takomillashtirish zarurati va uning bank faoliyati samaradorligiga ta'siri.....441

ABDUVALIYEV ZAFAR MAXMUDOVICH

Raqamli transformatsiya sharoitida qurilish obyektlari qiymatini aniqlash jarayonini optimallashtirishning zamonaviy usullari.....450

XANNAROV KOMILJON KARIMOVICH

Davlat byudjetidan aholini uy-joy bilan ta'minlash xarajatlarini ta'minlashning nazariy asoslari.....461

ОЧИЛОВ БАХТИЁР МУМИНЖОНОВИЧ

Инновационные стратегии корпоративного управления в цифровой трансформации железнодорожного транспорта.....467

БЕГЛАЕВ УЧҚУН ХУРРАМОВИЧ

Балиқчиликни ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш.....478

МЫРЗАЕВ БАТЫР ЖИЕНБАЕВИЧ, ДЖУМАНИЯЗОВ УББИНИЯЗ ИСМАЙЛ УЛЫ

Сельское хозяйство и перспективы социально-экономического развития Узбекистана.....488

SUNATOV JO'RABEK TURG'UNBEK O'G'LI

Aholiga aloqa va axborotlashtirish xizmatlari rivojlanish dinamikasining statistik tahlili.....500

ДЖАМАЛОВА АСАЛЬ САЙДУВАЛИЕВНА

Научно-методический подход к классификации цепочек добавленной стоимости в овощеводстве.....508

SAMADQULOV MUHAMMADJON

O'zbekistonda milliy iqtisodiyot innovatsion salohiyatidan foydalanish omillarini ekonometrik modellash va prognozlash.....516

ASADOV BAXSHULLO XASANBOY O'G'LI

Mehmon uylari tashkil etishning oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirishdagi o'rni va turizm sohasidagi ahamiyati.....528

XAZRATKULOV O'KTAMJON XIKMATULLAYEVICH

Raqamli to'lov tizimlarining iqtisodiy mohiyati va ularning moliya tizimidagi o'rni.....534

BOROTOV SHAROFIDDIN JUMAQUL O'G'LI

Zamonaviy ekonometrik modellar asosida makroiqtisodiy ko'rsatkichlarni prognozlash usullari.....546

IBRAGIMOVA MADINA ISMOILOVNA

Xizmat ko'rsatish tarmoqlarida innovatsion xizmatlar orqali raqobatbardoshlikni ta'minlashning metodologik asoslari.....555

ABDULLAYEVA SHAHLOXON KAMOLADDIN QIZI

Raqamli bank xizmatlarini takomillashtirishning nazariy va amaliy asoslari.....562

BOBOJONOVA MADINA JUMANIYOZ QIZI

Hududlarda agroturizmni rivojlantirish konsepsiyasining evolyutsiyasi va ilmiy-nazariy asoslari.....567

URAZMATOV JONIBEK MUSURMANOVICH

Qo'shilgan qiymat solig'ini undirish jarayonida soliq tafovutini (VAT GAP) aniqlash va baholash usullari.....574

SODIQOVA NIGORA TURAYEVNA

Hududlar iqtisodiyotini rivojlantirishda yengil sanoat tarmog'i imkoniyatlari (Buxoro viloyati misolida).....583

БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

БЕГЛАЕВ УЧҚУН ХУРРАМОВИЧ

Тошкент давлат аграр университети
Агробизнесни бошқариш ва логистика
кафедраси доценти, и.ф.ф.д. (PhD)
E-mail: beglayevuchqun@gmail.com
ORCID:0009-0008-9491-6613

Аннотация. Маколада балиқчиликни ривожлантиришда инновацион технологияларни қўллаш ҳамда давлат томонидан имтиёзлар бериш тизими бўйича маълумотлар қайд этилган. Шунингдек, турли мулкчилик шаклидаги балиқчилик субъектларининг инновацион муҳитда ўзаро ҳамкорлик тизими бўйича тавсиялар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: инновация, ҳамкорлик, тизим, балиқчилик, субъект, имтиёз, технология, бозор иқтисодиёти, турли мулкчилик шакли, самарадорлик, сув ресурслари, истиқбол.

Аннотация. В статье представлена информация об использовании инновационных технологий в развитии рыболовства и системе государственных стимулов. Также даны рекомендации по системе взаимного сотрудничества рыбопромышленных субъектов с различными формами собственности в инновационной среде.

Ключевые слова: инновации, сотрудничество, система, рыболовство, субъект, привилегии, технология, рыночная экономика, различные формы собственности, эффективность, водные ресурсы, перспектива.

Abstract. This article presents information on the use of innovative technologies in fisheries development and the system of state incentives. Recommendations are also provided for a system of mutual cooperation between fishing entities with different forms of ownership in an innovative environment.

Keywords: innovation, cooperation, system, fisheries, entity, privileges, technology, market economy, different forms of ownership, efficiency, water resources, prospects.

КИРИШ

Иқтисодиёт ва унинг тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини муттасил ошириб бориш ҳар қандай мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий йўналиши ҳисобланади. Бунда шу соҳада мавжуд камчиликлар ҳамда таъсир этувчи омиллар чуқур таҳлил қилиниб ўрганилади.

Бугунги кунда турли мулкчилик шаклидаги балиқчилик субъектларига бириктирилган ер ва сув майдонларининг кўпайиб келганлигини кўриш мумкин. Лекин ер ва сув ресурси чекланганлигини инобатга олиб, ушбу жараён қандай кечади, деган савол туғилиши табиий. Шу билан бир қаторда, балиқчиликда инновацион технологияларни қўллашни ривожлантириш ва бошқаришни давлат томонидан қўллаб-

қувватлаш механизмини йўлга қўйишда маъсул ташкилотлар сифатида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекбалиқсаноат уюшмаси, ҳудудий қишлоқ хўжалик бошқармалари ўз назаоратига олиши натижасида турли мулкчилик шаклидаги балиқчилик субъектларининг фаолияти тубдан ислоҳ қилиниши балиқ етиштириш ҳажми ошишига эришиш имконияти яратилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Балиқчилик хўжаликларини барқарор ривожлантириш уларни тизимли ва самарали бошқариш механизмини такомиллаштириш, соҳани интенсив ва инновацион технологиялар асосида ривожлантириш муаммолари бўйича мамлакатимиз ва хорижий давлатлар иқтисодчи олимлари турли йўналишда илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган. Жумладан, хорижий давлатлар олимлари: Ф.Беркис, Р.Махон, М.Соломон, Р.Хилборн, П.Даниел, Ф.Райнер, Ф.Д.Жонстон, А.С.Томмас, С.Хаммерланд, К.Греер, Ж.Маттиас балиқчиликни барқарор ривожлантириш ва бошқаришда МДҲ давлатлари олимларидан: С.И.Курдюков, А.К.Богерук, Дж.Ритер, О.В.Кузнецова, Н.В.Алесина, Р.Р.Галулиния, Ж.М.Гордон, В.К.Киселёв, П.А.Душин, А.А.Тарасенко, В.С. Казанчева, Д.Ш.Якубова ва бошқалар илмий изланишлар олиб борган, ҳамда бу борадаги айрим масалалар мамлакатимиз аграр иқтисодчи олимларидан: Д.Р.Шохимардонов, С.С.Ғуломов, Р.Х.Эргашев, И.О.Юнусов ва бошқа олимларнинг илмий асарларида қисман ўрганилган ҳамда тадқиқ этилган.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМАЛАР

Келтириб ўтилган фикрлардан келиб чиқиб, балиқчиликда қўшимча ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланиб ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнларини амалга оширишда юқори самарадорликка эришиш имконини беради (1-расм).

Фикримизча, балиқчиликда инновацион технологияларни қўллашни ташкил этиш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқаришни вужудга келишида бозор талабига жавоб берадиган маҳсулотлар етиштириш имконини бериши орқали рақобатни юзага келтиришимиз мумкин.

Соҳага инновацион технологияларни жалб этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмининг молиялаштириш Агробанк, Ўзсаноатқурилиш банк, Ипотека банкларига юклатилган имтиёзлар асосида тадбиқ этилса балиқчилик хўжаликларини молиялаштириш кредит таъминотининг яхшиланишига замин яратилади. Бу борада мамлакатимизда бир қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4005-сон “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан “Ипотека банк” АТБ ҳузурида



ташкил этилган “Ипотека лизинг” компанияси инновацион технологиялар (балиқни қайта ишлаш учун машина ва ускуналар, ҳовузлар, насос станцияларини қуриш, чавоқлантириш воситалари, реконструкция ва таъмирлаш учун зурурий мелиоратив техника) ҳарид қилишда самарали воситалардан фойдаланиш имконинин яратмоқда. Давлат томонидан балиқчилик соҳасига инновацион технологияларни жалб этишни қўллаб-қувватлаш балиқ етиштириш ҳажмининг 4-5-баробарга ортишини таъминлайди.



1-расм. Балиқчиликда инновацион технологиялардан фойдаланишни ривожлантириш ва бошқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми

Бошқарувдаги муаммолар бўйича ўрганилганда ҳўжалик раҳбарлари, соҳада кадрларнинг етишмаслиги, ҳўжаликда доимий иш ўрнининг йўқлиги, аниқ бошқарув тузилмасининг мавжуд эмаслиги ҳамда малака ошириш курсларининг доимий равишда бўлмаслиги билан асослаб берилди.

Бундан кўринадики, юқоридаги уч омил нафақат уларнинг даромадига, балки ҳўжалик фаолиятига ҳам салбий таъсир этмоқда. Истиқболда ушбу ҳўжаликлар ўз ишлаб чиқаришини янада кенгайтириш маҳсулот турини кўпайтириш учун ресурсларни кенгайтириш зарур эканлигини билдиришган.

Тадқиқотларимиз давомида, турли мулкчилик шаклидаги балиқчилик субъектлари истиқболдаги инновацион технологияларни қўллаш ва ривожланиши ҳамда даромадларини оширишнинг қуйидаги концептуал йўналишлари аниқланди:

✓ балиқчилик субъектлари ихтиёридаги ер ва сув майдонларини кенгайтириш, агар бунинг умуман иложи бўлмаган жойларда замонавий инновацион ва интенсив технологияларни, иқлимимизга мос балиқ турларини киритиш лозим;

✓ балиқчилик субъектларининг маҳсулот етиштириши учун барча имкониятларини яратиш, муаммолар ечимини топиш ва бунда кредит механизмларини такомиллаштириш;

✓ балиқчилик субъектлари ва корхоналарида қошида омукта ем ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда минерал ўғит ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида етказиб бериш шартномасини тўғридан-тўғри йўлга қўйиш имкониятини яратиш;

✓ балиқчилик субъектлари томонидан етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш механизмини йўлга қўйиш ва давлат томонидан имтиёзлар бериш тартибини ишлаб чиқиш;

✓ балиқчилик субъектлари томонидан етиштирилган балиқ маҳсулотларни сотиш механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Бугунги кунда балиқчилик учун зарур инновацион техника ва технологияларни сотиб олишга битта балиқчилик субъектининг қуввати етмаслиги, молиявий нуқсонлар кўзга ташланиб қолаётганлиги сабабли балиқчилик субъектлари кооперация, кластерларга айлантирилса ёки инновацион техника ва технологияларни лизинг асосида ижарага бериб кўрилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шу билан бир қаторда балиқчиликда инновацион технологияларни қўллашда биринчи йўналишни амалга оширишда ва сув ҳавзаларидан унумли фойдаланиш бўйича муносабатларни шакллантиришда қуйидаги тамойилларга амал қилиш лозим бўлади:

1. Балиқчилик субъектларини ташкил этиш ва юритишни раҳбарлик санъатини шакллантириб бориш, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини кимошди савдоси орқали реализация қилиш ҳамда инновацион технологияларни жорий этиш;

2. Беш йилдан кам бўлмаган муддатда балиқчилик соҳасида фаолият юритиб келаётган раҳбарнинг аввалги (5 йил ичидаги) фаолияти, унинг балиқ маҳсулоти етиштириш бўйича билим ва тажрибасининг етарли эканлигини ҳисобга олиш;

3. Ер ва сувга эгалик қилиш ҳуқуқининг барқарорлигини таъминлаш, уни бир субъектдан асоссиз равишда бошқа субъектларга ўтиш ҳолатларининг содир бўлмаслигини кафолатлаш.

Шу билан бирга, истиқболда балиқчилик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш балиқ маҳсулотлари билан аҳолини тўлиқ таъминлаш,

озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш орқали соҳа даромадини кўпайтириш, қишлоқдаги меҳнат даромадлилигини шаҳардаги даражага яқинлаштириш имконияти туғилади. Бунинг учун давлатнинг кўмак бериши, қўллаб-қувватлаш дастурларининг амалга оширилиши балиқчилик учун жуда зарурдир. Давлат балиқчилик субъектлари ривожини таъминловчи ҳуқуқий-меъёрий базани янада такомиллаштириш, балиқчилик субъектларини ресурслар ва инновацион техника воситалари билан таъминлаш, маҳсулотни қайта ишлаш ва сотиш бўйича молиявий ёрдам кўрсатиш, маҳаллий ҳокимият органларининг балиқчилик субъектлари ривожига кўмаклашувини рағбатлантириш каби асосий ишларни амалга ошириши лозим бўлади.

Фикримизча, инновацион технологияларни тадбиқ этишда амалга ошириладиган ишларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари қуйидагича:


- балиқчилик субъектлари томонидан инновацион техника – технология, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, балиқ чавоқлари, омухта ем сотиб олиш учун олинган кредитлар ставкаларининг бир қисмини қоплаб бериш;

- балиқчилик субъектларини инновацион технологияларни жалб этишда қўллаб-қувватлашга йўналтирилган жамғарма ва уюшмалар орқали уларнинг маҳсулотини сотиб олишни ташкил қилиш;

- ветеринария хизмати кўрсатишга ва балиқ турларини кўпайтиришга қаратилган замонавий жихозларни тадбиқ этиш учун дастурларни ишлаб чиқишни молиялаштириш;

- инновацион технологиялар орқали маҳсулдорликка эришган балиқчилик субъектларини рағбатлантириш механизмларини йўлга қўйиш.

Истиқболни рақамлар орқали прогнозлаш, албатта, келажакда балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш мумкинлигини билдирмоқда. Лекин чекланган ресурс ҳисобига балиқчилик субъектларини ривожлантириш мумкин деб, биринчи йўналиш сифатида белгилайдиган бўлсак, мавжуд майдонларни кенгайтириш имкониятларининг пасайиши мумкинлигини ҳам ҳисобга олмоқ зарур бўлади. Чунки Қашқадарё вилоятининг шаҳарга яқин бир нечта туманларга қарашли ерларда сувдан фойдаланиш эҳтиёжи йилдан йилга ошиб бориши натижасида балиқчилик билан шуғулланиш бир қатор ноқулайликлар келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам балиқчилик субъектларига имтиёзлар бериш ишлаб чиқаришнинг шаклини тубдан ислоҳ қилиш лозим бўлади. Кейинги вариантими – агар мавжуд майдонлар қисқартирилса, инновацион технологиялар асосида сунъий ҳавзаларни кўпайтириш, иқлим шароитимизга мос балиқ турларини кўпайтиришимиз лозим бўлади.



2-расм. Турли мулкчилик шаклидаги балиқчилик субъектларининг инновацион муҳитда ўзаро ҳамкорлик тизими

Балиқчилик субъектларининг соҳадан оладиган даромади харажатларини қоплай олмайдиган хўжаликлар сони келажакда кўп бўлса, демак, янги тизимни йўлга қўйиш, замонавий технологияларни татбиқ этиш, бошқа тур балиқларни кўпайтириш билан шуғулланиш эҳтимоли ҳам мавжуд. Лекин бизнинг фикримизча, барқарор ва тадбиркорлик қобилиятидан самарали фойдаланаётган ҳамда даромади йилдан йилга ошаётган балиқчилик субъектлари ҳисобига истиқболда турли мулкчилик шаклидаги балиқчилик субъектлари янада тараққий эттириш мумкин.

Бу эса мамлакат миқёсида турли мулкчилик шаклидаги балиқчилик субъектларини ташкил этиш, ривожлантириш ва уларни келгусида банк-молия, суғурта, солиқ тизимидаги муаммоларини бартараф этишда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш орқали эришиш мумкинлигини белгилаб беради. Яратилган тизим балиқчилик соҳасидаги муаммолари келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш ечимларини ишлаб чиқиш имкониятини яратиб беради.

Бизнинг фикримизча, турли мулкчилик шаклидаги балиқчилик субъектлари инновацион муҳитда ҳамкорлик қилиши, ҳар бир соҳа билан узвий боғланиши, замонавий кластерларнинг вужудга келиши кадрлар билан таъминланиши кафолатланиши зарур (2-расм).

Фикримизча кадрлар малакаси уларни қайта тайёрлаш, соҳа йўналишлари бўйича ўқитиш, кадрларга хориж тажрибаси ўрганиш учун амалиётларни ташкил этиш турли мулкчилик шаклидаги балиқчилик субъектлари фаолиятига ижобий натижа беради. Шу сабабли ОТМ ва ИТИ лари билан ҳамкорликни кучайтириш улар ўртасида илмий-амалий лойиҳаларни татбиқ этиш натижасида самарага эришиш мумкинлигини кўрсатади.

Балиқчилик соҳасига янгича усул сифатида йўналтирилганлиги сақлаш, қайта ишлаш, экспорт тизимининг мавжудлиги турли мулкчилик шаклидаги балиқчилик субъектларини ажратиб турадиган муҳим жиҳат бўлиб ҳисобланади. Қоидага кўра, замонавий ишлаб чиқариш технологиялари ва инновацион техника соҳасида илғор ўсиш ва келгусида янги «бозор талабларига» чиқиши кутилаётган ёки амалга оширилаётган жойларда шакллантирилади. Бундай турли мулкчилик шаклидаги балиқчилик субъектлари фаолияти қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- турли мулкчилик шаклидаги балиқчилик субъектлари фаолиятини ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш асосида улардан ҳудудий шароитларга мос ҳамда балиқчилик соҳасига инновацион тизимни жорий қилишда хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

- жаҳон стандарти талабига тўлиқ жавоб берадиган балиқ маҳсулотларини етиштириш, истиқболда уларнинг селекция, зот турлари, озуқа базасини ИТИлар ҳамкорлигида минтақа иқлим шароитидан келиб чиқиб ўзлаштириш ва ривожлантириш;

- инновацион технологиялар асосида балиқ етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнини тўлиқ қамраб олувчи тизимни, шунингдек замонавий инновацион, ресурс тежайдиган технологияларни балиқ етиштириш жараёнига жорий қилиш ва ҳалқаро стандартларга жавоб берадиган тизимни жорий этиш лозим (3-расм).



3-расм. Балиқчиликда инновацион технологияларни бошқаришнинг умумий схемаси

Давлат сиёсатининг мақсади турли мулкчилик шаклидаги балиқчилик субъектлари ривожланишининг инновацион ва интенсив моделини жорий қилиш воситасида иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш учун шароитлар яратиш ҳисобланади.

Шу боисдан, тадқиқот ишимизда турли мулкчилик шаклидаги балиқчилик субъектларининг истиқболдаги ривожланиши ва даромадларини оширишнинг қуйидаги асосий йўналишлари аниқланди. Бунда:

- балиқ маҳсулотларини сақлаш учун янги инновацион совутиш камераларини қуриш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш ва модернизациялаш. Бунда энергия тежовчи ва кам харажатли сақлаш технологияларини яратиш лозим;

- инновацион технологияларни реконструкция қилиш ва модернизациялашни молиялаштириш манбаларини аниқлаш, шунингдек тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилишини таъминлаш;

- турли мулкчилик шаклидаги балиқчилик субъектларида инновацион технологиялар жорий этилган пайдан бошлаб уч йил муддатга мулк солиғи тўлашдан озод қилиш механизминини ишлаб чиқиш;

- балиқ етиштиришда сув майдонларидан самарали фойдаланишни назорат қилиш;

- иқтисодий кўрсаткичлар ва натижавийлиги юқорилигига жавоб берадиган балиқ маҳсулотларини етиштиришни жойлаштириш;

- шунингдек, етиштирилган балиқ маҳсулотларни экспортини тўғри ташкил этиш;

- ички бозорни балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш, уларнинг нархларини назорат қилиш ва транспорт билан ташиш масалаларини оқилона ташкиллаштириш ва шу кабилар.

Ушбу йўналишларда инновацион фаолиятни жадаллаштириш билан бир қаторда, кам ресурс талаб қилувчи, юқори унумли ва балиқ сифатини бузмаган ҳолда сақлашга имкон берувчи сақлаш камераларини яратишга эътибор қаратиш лозим.

ХУЛОСА

Юқоридаги таклиф этилган фикрларини инобатга олиш ва амалга ошириш мамлакатимизда энг ноёб ер-сув ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишга хизмат қилади. Шунингдек, ер-сув ресурсларидан фойдаланиш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган иқтисодий-экологик муаммоларнинг олдини олишга эришилади ва кўплаб миқдорда сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжларни тўлароқ қондириш имкониятига эришилади.

Келгусида етиштириладиган балиқ маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш ва ўз вақтида қайта ишлашни таъминлаш, шунингдек, уларнинг экспорт

ҳажмларини кўпайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, аҳолини ва ижтимоий соҳа объектларини айниқса сотиш даврида балиқ маҳсулотлари ишончли, кафолатли таъминлаш учун зарур бўлган замонавий моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек балиқ маҳсулотларини экспортга етказиб беришни кенгайтириш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар руйҳати

1. Беглаев У.Х. Балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш ва бошқариш. // Монография. – Т.: “Наврўз”, 2020, – 131 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2939-сонли қарори // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 3 майдаги 87 (6781)-сони.
3. Beglaev U.X. Ways of organizing sustainable development of fish farming and adaptation to market management mechanisms. - // International journal for innovative research in multidisciplinary field. 2020. Vol-6, Issue-2, - p. 164-168
4. Беглаев У.Х. Девелопмент анд манагемент оф фишинг фармс. // “Підприємство в аграрній сфері: глобальні виклики та ефективний менеджмент” Матеріали І Міжнародної науково-практичної конференції Запоріжжя, 12-13 лютого 2020 року Частина ІІ. 17-19 стр.
5. Ergashev R., Beglaev U. The Ways Of Fishing Farms Management And Developing The Production Activity. -// INTERNATIONAL JOURNAL OF SCIENTIFIC & TECHNOLOGY RESEARCH, 2020. - Vol 9, Issue - 02,– p. 919-921.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги “Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3657-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.04.2018 й., 07/18/3657/1027-сони.
7. Беглаев У.Х. Балиқчилик хўжаликларини барқарор ривожлантиришда Вьетнам тажрибасидан фойдаланиш. // “Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани. Материаллар тўплами СамИСИ. 2020 й. 236-240- бетлар.
8. Шохимардонов Д.Р. Минтақаларда балиқчиликни ривожлантириш – Т.: 2010
9. Эргашев Р.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: Молия-иқтисод, 2018. – 394 б.